



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Иқтисодиёт ва менежмент

факультети

Индустриал иқтисодиёт фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат
корхоналарида инновацион фаолияти самарадорлигини
оширишнинг аҳамияти

ИК-316 гурӯҳ талабаси

Бажарди: Б.Суюнов

Текширди: З.К.Рахимов

Самарқанд – 2019

Режа:

Кириш.....	3
1. Инновацион фаолият тушунчаси, тушунчасининг мазмун-моҳияти.....	6
2. Саноат корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг аҳамияти.....	
3. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятнинг ҳолати.....	
4. Инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг йўллари.....	
5. Инновацион самарадорликни оширишда чет эл давлатларининг тажрибаси.....	
Хулоса ва таклифлар.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш

Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик бозор ислоҳотларининг ва Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг диққат марказида турган энг – муҳим устувор вазифалардан бири – миллий иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш хисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш саналади Жумладан, “..миллий иқтисодиётнинг таркибида саноат улушини кўпайтириш, юқори технологияли саноат ва қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, ҳар бир ҳудуднинг саноат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, янги саноат корхоналари ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш¹” деб таъкидланган.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев мамлакатда мавжуд иқтисодиёт тармоқлари, хусусан саноат салоҳиятини ривожлантиршнинг мақсадли дастурлари ижросидаги камчиликларни танқид қилган ҳолда “..ислоҳотларнинг қай даражада самара берётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини бўлган ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз оширишдир” деб таъкидлайди.

Албатта истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби саноат тармоқлари ҳам жадал ривожлангани ҳолда нефть ва газ, кимё саноати, автомобилсозлик саноати, қурилиш материаллари ва фармацевтика саноати каби янги-янги саноат тармоқлари шакллангани ҳамда

¹“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 йил

ривожлангани ҳолда бугунги кунда жаҳон бозорига “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси остида минглаб саноат товарлари таклиф қилинмоқда.

Бугунги кунда мамлакат ЯИМда саноатнинг улуши 25,0 фоиздан ортиқроқни, асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажмида қарийб 38 фоизни, иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонида 14,0 фоизни ташкил этгани ҳолда 2007-2016 йилларнинг ўзида саноат тармоғи йилига ўртacha 8,5 фоиздан кўпроқ ўсиб келмоқда.

Албатта, юқоридаги ислоҳотларнинг барчасининг замирида давлат ва нодавлат сектор корхоналарининг барқарор суръатларда инновацион салоҳиятини рўёбга чиқариб келаётганлиги ётади. Шу сабабли, бугунги глобаллашув ва миллий иқтисодиётни либераллаштириш шароитида миллий иқтисодиёт хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда инновацион салоҳият, уни шаклланиши ва ривожланишини баҳолаш, бошқаришнинг назарий-услубий масалаларини комплекс тадқик қилиш, саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва бошқариш омиллари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, республикада саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни оширишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш, инновацион салоҳиятни баҳолаш усулларини қиёсий ўрганиш ва саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш механизмларининг замонавий ҳолати ва тенденцияларини аниқлаш ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

1.Саноат корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг аҳамияти

Инновация (in-“лик”, novus-“янги”) янгилик киритиш, янгилик деган маънони англатади.²

“Инновацион фаолияти” деганда одатда турли хил: саноат, савдо, медецина, таълим, жараёнларига янги (фойдали) элементлар олиб кириш тушунилади.

Бошқача қилиб айтганда, инновация деб янги илмий техник ютуқлардан самарали фойдаланишга айтилади.³ И.Т.Балабанов таъкидлашича, «Инновация – янги техника ёки технология, меҳнат ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув, шунингдек, назорат, ҳисоб-китоб, режалаштириш услублари, таҳлил ва бошқаларни ташкил этишнинг янги шаклларига маблағ киритиш орқали эришилган моддийлашган натижадир».⁴ Демак, инновацияга янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот (товар, иш, хизматлар) кўринишдаги инновацион фаолиятнинг якуний натижаси сифатида қараш мумкин.

Миллий иқтисодиётни инновацион усулда ривожлантириш бугуннинг энг долзарб мавзусига айланди. Дарҳақиқат, бугунги кунда дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига назар солар эканмиз, уларнинг асосий даромадлари ва статистик кўрсаткичлари инновацион жараёнларнинг тўғри ташкиллаштирилганлиги хамда доимий равищда такомиллаштириб борилаётгани билан алоҳида эътиборга лойиқdir.

Дунё миқёсидаги иқтисодий жиҳатдан бут мамлакатлар таҳлил қилинадиган бўлса, уларнинг аксарияти инновацион ривожланишнинг назарий асосларини яратишга, янги моделларни излаб топишга ҳамда инновацион жараёнлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга интилмоқдалар.

² Nelson R. National Systems of Innovation: A Comparative Analysis. Oxford, 1993.

³ Маренков Н. Л. Инноватика: Учебное пособие. - М.: КомКнига, 2005. С. 194. 10. С

⁴ Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент - СПб: Питер, 2000. - С. 11.

Хорижий олимлар томонидан инновацион жараёнларни молиялаштириш тушунчаси мазмуни ва моҳиятини кенг маънода қўллаш бўйича турли хилдаги илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, Ўзбекистон ҳам инновацион ривожланиш йўлидан боришга интилмоқда.

Иқтисодий тизимларни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи капитални реализация қилиш самарадорлигини, иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари салоҳиятини ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар мослашувчанлигини ва барқарорлигини таъминлашга имкон берадиган инновацион шаклларни фаоллаштириш билан тавсифланади. Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторларида хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолияти ва ўзаро таъсири анъанавий муносабатларнинг иқтисодий тизимларни ривожлантиришга таъсирини кучайтиради ҳамда уларнинг тузилмасида иқтисодий муносабатларнинг янги кўринишларини шакллантиради, бу эса бозорни тиклайди.⁵

Иқтисодий тизимларни модернизация қилиш ва инновацион ривожланиш муаммоларини ҳал этишининг долзарблиги инновацион жараёнларни молиялаштириш учун концепцияни ишлаб чиқиши талаб этади. Чунки ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти учун бир ёки бир неча мамлакатларда муваффақиятли амалга оширилган муайян бозорни ёки молия моделини тўғридан-тўғри кўчириб олиш имконсизdir.⁶

Бугунги глобаллашув жарёнида ишлаб чиқариш, меҳнат ва савдо бозорлари интеграцияси, хомашё ўрнини босувчи воситалар ва таннархга таъсир этувчи бошқа омилларни топиш борасидаги ошкор-яширин, аёвсиз ва шиддатли рақобат замонида илм-фан, инновация, инвестиция, техника ва технология соҳалари иқтисодиётнинг локомотиви ҳисобланади. Бунинг тасдигини Япония, Хитой, Жанубий Корея каби қитъамиздаги ривожланган давлатларнинг ихтирочилик ишланмалари, рационализаторлик таклифлари

⁵ Никонова Я.И., Казаков В.В. Механизм финансового обеспечения инновационной деятельности экономических систем: Вестник Томского государственного университета, 2012. С. 127.

⁶ Довбий И.П. Принципы кредитного обеспечения инвестиционно-инновационных процессов региона. Челябинск: Изд. центр ЮУрГУ, 2011. – С. 18.

йўналишларига салмоқли сармоялар киритиш орқали юксак натижаларга эришгани мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Инновацион сиёсатни шакллантиришда энг муҳими устувор йўналишларни аниқлаб олиш зарур ва ушбу ҳолат инновацион сиёсатнинг қуидаги моделларини ажратиш имконини беради.

Давлатнинг инновацион сиёсати — бу ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, илмий тадқи-қотлар, ишланмалар, тажриба-констуркторлик ишлари ёки бошқа илмий-техник ютуқлардан фойдаланиб яратилган янги, такомил-лашган маҳсулот, юқори технологик жараёнларнинг иқтисодиётга жорий этилиши билан боғлиқ инновацион фаолиятни ривожлантириш ва рағбатлантиришга қаратилган сиёсатдир.

Умуммиллий аҳамиятга эга илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган инновацион сиёсат модели.

Илмий-техник билимларни оммалаштиришга йўналти-рилган инновацион сиёсат модели.

Мамлакатларни амалга ошираётган инновацион сиёсатига қараб қуидаги уч гурухга ажратиш мумкин:

Фанда етакчиликни сақлаб қолишига интилаётган мамлакатлар. Одатда, ушбу мамлакатларда инновацион циклнингҳамма босқичларини қамраб оловчи йирик миқёсли мақсадли лойиҳалар амалга оширилади (АҚШ, Буюк Британия, Франция).

Қулай инновацион муҳитни яратиш, иқтисодиёт таркибини оптималлаштиришга йўналтирилган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария).

Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, жаҳондаги илмий-техник тараққиёт ютуқларини қабул қилишни таъминлаш, турли секторларнинг фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш йўли орқали янгиликларни рағбат-лантирувчи мамлакатлар (Япония, Корея Республикаси).

Мамлакатнинг инновацион фаоллик даражаси мамлакатда қабул қилинган инновацион стратегия ва унинг кўрсаткичлари орқали белгиланади. Инновацион стратегия — бу технологиялар ва бошқарув технологияларидағи янгиликларни иқтисодий ривожланиш йўналишларига мувофиқ равишда танлаш хамда амалга ошириш тизимини ўзгартирishi жараёнларини белгилаб берувчи қоида ва нормалар йиғиндисидир.

2. Саноат корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг аҳамияти

Бугунги кунда барча кўринишдаги корхоналарда фаолиятни янги кўринишда олиб боришни тақозо этмоқда. Хусусан, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини кўтариш учун ҳам фан ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда инновацион жараёнларни қўллаш кенг тарқалмоқда.

Рақобат шароитида ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб этиш – корхона фаолиятига инновацияларни киритишга асос бўлиб ҳисобланади. Корхона фаолиятининг бозор талаби билан боғлиқлиги сабабли инновацияларни жорий этишнинг иқтисодий табиати бозор талаби орқали белгиланади: бозор муносабатларида рўй бераётган инновацияларнинг фан-техника инновацияларидан устунлиги сабабли у асосий омилга айланади. Корхонага, инвестиция ва инновацияларни жорий этишдаги бош мақсад – бозор талабини қондириш асосида юқори фойда олишдир.

Фан ва техниканинг шиддатли ривожланаётган ҳозирги шароитда замонавий ишлаб чиқариш воситаларини амалиётга татбиқ эиш иқтисодий самара билан бир қаторда оғир жисмоний меҳнатни машиналар меҳнати билан алмаштириш, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларини бартараф этиш, фонdlар ва энергия билан таъминланиш даражасини ошириш, юқори малака талаб қиласиган ва манфаатдорликни оширадиган

жозибали касбларга талабни ошириш, ҳамда мавжуд касбларга ёшларда рағбат ўйготиш ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этиши лозим.

2018 йилда республикамиз корхоналарини инновацион ривожлантириш мақсадида, давлатимиз томонидан катта эътибор берилган эди. Жумладан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018 “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш” йил деб номладилар. Ушбу йилда, хусусий сектор корхоналарига кўплаб инвестициялар киритиш учун, кредит тизимини такомиллаштириш учун, чет элга экспорт салоҳиятини қўтариш учун улкан ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг асосий ва устувор вазифаларидан бири - хусусий сектор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва таъминлашдан иборат. Инновацион ривожланиш давлатларга жаҳон иқтисодиёти етакчилигига чиқиш, халқаро бозорларда рақобатчилик курашида бардош бериш ва ғолиб бўлиш имконини беради. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида сифат ўзгаришларини таъминлаш учун нафақат мавжуд технологияларга суюниш, балки инновацион фаолиятни самарали қўллаб-қувватлаш тизимини яратишга ҳам аҳамият қаратиш лозим. Агар, биринчиси ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашиш имконини берса, фақат фаол инновацион фаолиятгина ушбу муваффақиятнинг узок муддатини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти барқарор ўсиши ва аҳолисининг турмуш фаровонлиги ҳал қилувчи даражада мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш асосида тўпланган ақлий ва технологик салоҳиятни динамик равишда ўзлаштиришига боғлиқдир. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) иқтисодиёт реал секторининг шиддатли ривожланаётган элементлари бўлиб бормоқда, маълум лойиҳаларни татбиқ этиш ва янгиликларни олиб чиқиш билан боғлиқ бўлган етакчи роли

инновацион тадбиркорлик, инноватор-субъектларга кўп даражада дахлдордир.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши шароитида мамлакат учун муҳим вазифа миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини кучайтириш бўлиб, бу кўпинча КБХТ соҳасида инновацион фаолиятнинг ўсиш даражаси ва ҳажми билан белгиланади.

Реал инновациялар техника ва технология билан боғлик, деган кенг тарқалган фикр мавжуд. Аммо инновация ташқи илмий-техника ишлари, натижасидан уни татбиқ этиш натижасида эҳтиёж, тўлов эҳтиёжи, қиймати унинг юзага келиши билан фарқланади.

Айнан тўлов эҳтиёжи каби талабнинг мавжудлиги, Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг кўпгина масалалари ечимида ойдинлик киритади.

Тадбиркорлик хўжалик юритиш услуби бўлиб, кўп асрлик ривожланиш эвазига ривожланган давлатлар иқтисодиётида устувор мавқега эга бўлди. Тадбиркор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари омилларининг шундай бирлашуви ва қўшилувини таъминлаш учун ўзининг имкониятларидан фойдаланади, у мақсадга эришишда юқори фойда олишни таъминлаб беради.

Ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга интилиш инновациялар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун тадбиркорлик, ресурсларга фойдали маблағ сарфлаш, бозорга маҳсулотларни киритиш, янги маҳсулотлар яратмай туриб, амалга ошириш мумкин эмас.

Демократик давлат ривожи асосларини яратиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жамиятнинг асосий соҳаси бўлган иқтисодиётнинг янгиланмаган, ижтимоий муносабатларни эркинлаштиришсиз (иқтисодий, сиёсий, маънавий) идрок этиб бўлмайди.

Бутун дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон Республикаси ва унинг иқтисодиётини ҳам четлаб ўтмайди. Ҳар қандай объектив жараён сифатида глобаллашув ҳам барча миллат ва давлатларни ўз орбитаси томон жалб қилиб, барча миллат иқтисодиётларини ягона

иқтисодий тизимга бирлаштириб, ўз фаолият сарҳадларини кенгайтириб боради. Жаҳон иқтисодиётининг трансформациялаштириш ва меҳнатни халқаро тақсимлаш шароитида, ташки бозорда рақобатбардошлиликни таъминлаш учун айрим давлатлар консолидациялашга, мунтазам ўз иқтисодиётини ривожлантириш, мавжуд манбалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга мажбур бўлмоқдалар.

3. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятнинг ҳолати

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар нафақат корхоналарда ишлатиладиган техника ва технологик жараёнларни янгилашни, балки бошқарув ва ҳисобини ташкил этишда инновацион ёндашувларни талаб этади. Шу нуқтаи назардан корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни баҳолашнинг амалиётда қўлланиладиган айрим жиҳатларини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга.

3.1-жадвал⁷

Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда жорий қилинган инновациялар сони

(дона ҳисобида)

Jami	o‘z kuchi bilan	Shu jumladan tadqiq qilinganlar:				boshqa tashkilotlar tomonidan	
		boshqa tashkilotlar bilan hamkorlikda	ulardan :				
			ilmiy tadqiqot institutlari bilan hamkorlikda	oliy ta’lim muassasalarini bilan hamkorlikda			
Texnologik innovatsiyalar	1946	1786	72	42	20	88	
shu jumladan:							
mahsulotlar bo‘yicha innovatsiyalar	1372	1279	37	22	7	56	
jarayonlar bo‘yicha innovatsiyalar	574	507	35	20	13	32	
Marketing innovatsiyalar	62	55	-	-	-	7	
Tashkiliy innovatsiyalar	38	29	6	6	-	3	


⁷ <https://stat.uz/uploads/docs/innovatsiya-2017-uz.pdf>

3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2017 йилда 975 та корхона ва ташкилотлар томонидан 1946 турдаги технологик инноваци жорий этилган. Жорий қилинган технологик инновацияларнинг 61,6 фоизи (1198 таси) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келган.

3.1-диаграмма⁸

Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда молиялаштирилган манбалар бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар

(фоизда)



3.1-диаграммадан кўриниб турибдики Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда харажатларнинг технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатларнинг 71,0 фоизи (2956,0 млрд. сўм) ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 19,2 фоизи (799,1 млрд. сўм) хорижий капитал, 2,1 фоизи (88,4 млрд. сўм) тијорат банклари кредитлари, 7,7 фоиз (318,8 млрд. сўм) бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган.

⁸ <https://stat.uz/uploads/docs/innovatsiya-2017-uz.pdf>

Жумладан, мамлакатимизда олиб борилаётган инновацион фаолият сиёсати ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда. Сўнги 3 йил ичида республикамиз худудларининг кўп қисмида замонавий кўринишдаги техника ва технологиялар асосида фаолият турлари вужудга келмоқда. Уларни молиялаштириш бўйича эса хусусий корхоналарнинг ўз маблағлари эвазига бўлаётгани эса, фаолиятларнинг замонавий кўринишлари ижобий натижа берадиганидан дарак бермоқда.

4. Инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг йўллари

Иқтисодиётга янгиликларни жорий этиш, фан сигимкорлиги юқори маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда мувафақиятга эришган мамлакатлар тажрибасини таҳлил этиш инновацион ривожланиш стратегиясининг қўйидаги турларини ажратиш имконини беради.

Кўчириб ўтказиш стратегияси — мавжуд хорижий илмий-техник салоҳиятдан фойдаланиш ва ушбу соҳадаги янгиликларни иқтисодиётга кўчириб ўтказиш билан боғлиқ стратегия. Ушбу стратегия биринчи навбатда Япония томонидан Иккинчи жаҳон уругпидан кейин қўлланилган.

Ўзлаштириш стратегиясининг мазмуни шундан иборатки, унда мамлакат арzon ишчи кучи ва йўқотилаётган илмий-техник салоҳиятининг бир қисмидан фойдаланган ҳолда тараққий этган мамлакатларда аввал ишлаб чиқарилган маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Кейинчалик мамлакат мустақил илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш имконини берувчи илмий-техник салоҳиятни ривожлантиради ҳамда фаол инновацион фаолиятни таъминлайди. Ушбу стратегия Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёнинг қатор мамлакатларида қабул қилинган.

Яратиш стратегияси — тараққий этган мамлакатлар, аввалом-бор, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Францияда қўлланилади. Ушбу стратегия

мамлакатнинг илмий-техник салоҳиятидан фойдаланиш, хорижлик олимлар ва конструкторларни жалб этиш, университетларнинг фундаменталь фанлари ва фирмаларнинг амалий фанларини интеграциялаштириш орқали мунтазам равища янги маҳсулотлар, юқори технологиялар яратишни кўзда тутади. Яратилган маҳсулотлар ва юқори технологиялар ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳага жорий этилади, яъни мунтазам равища инновациялар яратиб, ривожлантирилиб борилади.

Давлатнинг тартибга солиш ролининг кучайиши.

Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инновацион салоҳиятни шакллантирувчи институционал муҳит ривож-ланган мамлакатларга нисбатан кам ривожланганлига учун маҳал-лий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардош эмас. Шунинг учун ТМКнинг инновацион имкониятларидан фойдаланишга асосланган инновация сиёсати рақобат ва иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Инновацион жараёнларни қўллаб қувватлаш мақсадида давлатнинг иқтисодиётдаги ролини кучайтириш аҳамиятлидир. Инновацион жараёнларни амалиётга жорий этаётган корхоналарнинг сарф-харажатларини инобатга олган ҳолда, уларга маълум муддатлар давомида турли хил имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳар бир инновацион фаолиятни ташкил этаётган корхона мамлакат иқтисодиётига ижобий ҳисса қўшган ҳисобланади. Бунда нафақат янги турдаги ёки сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилади, балки янги иш ўринларининг ортиши, бундай корхоналарда кадрлар салоҳиятини янада оширишга имкон беради.

Инновацион фаолиятини ривожлантириш инсониятни самарали ривожлантиришнинг умумқабул қилинган йўналишига айланди. Унинг суръатлари кескин ўсиб бормоқда, инновацияларнинг миқёси эса тобора ошиб бормоқда. Ушбу йўналишда Япония, АҚШ, Германия ва бошқа шу каби давлатларда салмоқли натижаларига эришилган бўлиб, улар йирик инновацион ютуқлари асосида тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу давлатларда инновацион фаолияти давлат ва

маҳаллий ҳукумат органлари томонидан қўллаб-куватланмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, бундай кўмаксиз инновацияларнинг тез суръатлар билан ўсишини таъминлаб бўлмайди. Дарҳақиқат, ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, саноат корхоналарининг барқарорлашуви, саноат ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши иқтисодиётни замонавий интенсив технологияларни яратиш, юқори технологик маҳсулотларни чиқариш соҳасида илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг натижаларни кенг жорий этиш асосида инновацион ривожланиш йўлига ўтиш орқали эришилади. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ҳам инновацион иқтисодиётини шакллантириш учун шартшароитлар мавжуд. Хусусан, юртимиз биринчи Президенти И.Каримов бу борада: «Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаш бориши, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишини изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур» деб айтиб ўтди.⁹

Республикамизда мева-сабзавот, гўшт-сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хомашёсини қайта ишлаш бўйича юқори унумли замонавий инновация технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ушбу мақсадлар учун, авваламбор, стратегик хорижий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш, турли инновация хизматларини, янги алоқа воситаларини кенгайтириш вазифаси қўйилган.

Инновацион фаолияти эса инновация билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолиятни тушуниш мумкин. Тор маънода эса инновацион фаолияти ижтимоий ишлаб чиқариш, унинг таркиби, маҳсулотни сотиш ва бошқарув жараёнларини ўзида қамраб олади. Аксарият давлатларда инновацион фаолиятига янада тор соҳаларни – янгиликни саноат йўли билан ўзлаштириш жараёни, шу жумладан техника ва технологияларни, кам ҳолларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш усусларини қамраб олади.

⁹http://iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/10_R_Tashmatov.pdf

Инновацион фаолиятнинг мазмунини ташкил этувчи ишларга амалий тадқиқотлар, ишланмалар (тажриба-конструкторлик ишлари), янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш кабилар киради. Биринчи иккита босқичлар илмий-техник ютуқларини ишлаб чиқаришда амалий жиҳатдан фойдаланиш имкониятларини асослашга қаратилган. Жорий этиш -имкониятларни татбиқ этиш жараёнидир. Ишланмаларнинг натижалари –яратилаётган меҳнат куроллари ва ашёларига тегишли аниқ бир ечимлари. Демак, инновацион фаолияти янгиликни яратиш билан боғлиқ барча турдаги (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва х.к.) фаолиятни тушуниш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш ва ривожлантиришда, саноатни хом ашё, аҳолини эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қишлоқ хўжалигининг ўрни бекиёсdir. Қишлоқ хўжалигининг икки муҳим тармоғи – дехқончилик ва чорвачилиқда инсон ҳаёти учун бирламчи зарурат бўлган озиқ-овқат ва саноат учун хом ашё маҳсулотлари етиштирилади. Озиқ-овқат саноати дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини дастлабки ёки тўлиқ қайта ишлашнинг турли жараёнларини ҳам ўз ичига олади ва халқнинг моддий фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга катта эътибор берилди.

Маълумки, инсон ҳаётининг ривожланиши, унинг саломатлиги, унумли меҳнат қилиш қобилияти аввало, истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларига, унинг экологик тозалигига, тўйимлилигига ва турли хил минералларга бой эканлигига чамбарчас боғлиқdir. Ушбу боғлиқлик мамлакатда доимий равища озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти масаласининг бирламчи аҳамиятини назарда тутган ҳолда халқнинг кундан-кунга ошиб бораётган эҳтиёжларини мунтазам қузатиб бориб, шулар асосида тегишли чора-тадбирлар кўришни тақозо этади.

Иқтисодиёт тармоқларини бошқаришга креатив ёндашув туфайли кўпгина мамлакатларда технопарклар вужудга келганига анча бўлди. Улар

фаолиятининг яхлит ҳуқуқий асослари ҳам яратилган. Ўзбекистонда эса “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амал қилмоқда. Айни шу қонунда технопаркларга иқтисодий зонанинг бир вакили сифатида умумий мазмундаги таъриф берилган.

Қонуннинг 8-моддасида эркин илмий-техникавий зоналар алоҳида ажратилган ҳудудлардан иборат бўлиб, у ерда илмий-ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланади ҳамда улар учун илмий-ишлаб чиқариш имкониятини ривожлантиришга қаратилган маҳсус ҳуқуқий тартибот ўрнатилиши ҳамда эркин илмий-техникавий зоналар юксак технологиялар амал қиладиган зоналар, технопарклар, минтақавий инновация марказлари — технополислар шаклида ташкил этилиши белгилаб қўйилган.¹⁰

Маълумки, республикамизда кейинги икки йил мобайнида юқори технологиялар, илмий-технологик ва инновацион тадбиркорлик барқарор ривожланишини таъминлаш, миллий ва хорижий бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва етказиб беришни йўлга қўйиш учун қулай муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бу борада замонавий ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиши, амалиётга жорий этиши, эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарини ташкил этиши, фаолият кўрсатаётган зоналарнинг самарадорлигини ошириш вазифалари белгиланган.

Юқори технологияли ва инновацияли ишлаб чиқаришни ташкил этишига қизиқсан маҳаллий ва хорижий инвесторларни, шунингдек, ушбу мақсадлар учун имконият ва ресурсларга эга бўлган тадбиркорларни, илмий-тадқиқот ва инновация ишланмаларининг самарадорлигини ошириш қайд этилган. Бироқ Наманган ва бошқа ҳудудларда шакллантирилаётган бир неча технопарклар бизнес субъектларини маълум бир ҳудудга жойлаштириш ва саноатга йўналтиришни ҳам назарда тутиб, илм-фан, технологик ва

¹⁰ <http://uzlidep.uz/news-of-party/2291>

инновацион илгор ишланмаларни татбиқ этишни назарда тутмайди. Бу ҳолат эса, технопаркларнинг ташкил этиш мақсадига тўла мувофиқ эмас.

Технопарклар соҳасидаги миллий қонунчилик базасини таҳлил этиш куйидаги жиҳатларни аниқлаш имконини берди. Қонунчилигимизда нафақат юқори технологиялар, балки ҳар қандай соҳада технопарклар фаолиятини тартибга соловчи алоҳида қонун мавжуд эмас. Қонун хужжатларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, технопаркларнинг фаолият йўналиши бир-бири билан боғлиқ эмас, уларнинг ташкилий-хукуқий шакли турличадир. Қонун хужжатларида технопарк тузилмаларининг ташкилий-хукуқий шакли, фаолият мақсади белгиланмаган. Технопаркларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш қоидалари амалда деярли ишламайди.

Шундай қилиб, мамлакатимизда технопарклар концепциясини муваффақиятли жорий қилиш учун биз бир қатор муаммоларни ҳал этишимиз лозим. Технопарклардаги мавжуд муаммоларни, энг аввало, яхлит тизимга эга қонун хужжатини тадбиқ этиш билан бартараф этиш имконини топиш зарур.

Сир эмаски, юртимизда саноат, тиббиёт, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда технопарклар яратилмоқда. Шу маънода, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаси фақат юқори технологиялар соҳасига оид технопарклар фаолиятини тартибга соловчи бир ёқлама қонун лойиҳасига айланиб қолмаслиги керак. Аксинча, фаолият туридан қатъи назар, барча турдаги технопарклар учун ягона бўлган норматив-хукуқий ҳужжат сифатида ишланиши муҳим аҳамиятга эга.

5. Инновацион самарадорликни оширишда чет эл давлатларининг тажрибаси

Кувиб етадиган модернизациялаш моделининг муҳим белгиси давлатнинг жамиятда гипертрофлашган роль ўйнашидан иборатdir. Ушбу модедда ривожланаётган мамлакатларда жа-миятни жорий бошқариш билан чуқур, моҳиятан иқтисодий модернизациялаш манфаатлари қарама-қарши

туради. Ушбу ҳолатни Эронда XX аср охирида амалга оширилган модернизациялаш сиёсатида кузатиш мумкин. Қувиб етадиган модернизациялашни амалга ошириш Шарқий Осиё мамлакатларида муваффақиятли содир бўлган. Корея Республикаси, Тайвань, Хитой иқтисодий қолоқликни бартараф этмоқсалар. Ушбу мамлакатлар муваффақиятининг муҳим сабабларидан бири шундаки, улар ўзларининг асосий кучларини хорижий мамлакатлар тажриба ва ёндашувларини кўр-кўрона кўчириб олишга эмас, балки ўз иқтисодиётининг тараққий этган мамлакатлар хўжалигига табиий қўшилишига эътибор қаратдилар.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида Япония, Корея Республикаси ва Тайвань миллий капиталнинг ривожланишида хорижий капитални жалб этишга нисбатан устуворлик бердилар. Ушбу мамлакатларда давлат маблағлари ҳисобига корхоналар қурилди ва хусусий компанияларга берилди. Корея Республикасида марказлашув даражаси юқори бўлиб, 1961 йилда банк тизими национализация қилинди. Корея Япониядан фарқли ўлароқ, устувор тармоқларни белгилаб олди ва уларга давлат ёрдамини кўрсатди.

Корея иқтисодиётини модернизациялашда ишлаб чиқарилган маҳсулот миллий ички бозор катта бўлмагани учун экспортга йўналтирилди. Экспорт давлат томонидан солиқ имтиёзлари, субсидиялаш, имтиёзли кредитлар бериш орқали қўллаб-қувват-ладди. Япония урушдан кейин кичик ва ўрта корхоналарни модернизациялашга устуворлик берган бўлса, Корея мамлакат ресурслари оз бўлганлиги учун йирик компаниялар ва молия гурухларини (чеболлар) қўллаб-қувватлашга асосий ургу берди.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда Шарқий Осиё мамлакатларида иқтисодиётни модернизациялаш учун хос қуидаги белгиларни ажратиш мумкин:

- Япония, Корея Республикаси, Тайванда иқтисодиётни модернизациялаш асосида ер ислоҳоти ётди;

- ривожланган молия (банк) тизимининг яратилганлиги. Ушбу мамлакатларда шаклланган молия-саноат гурухлари таркибига қонун йўли билан тижорат банклари киритилмади ва улар хусусийлаштирилди;
- режалаштириш ва табиий бозор ривожланишининг натижаси бўлган ўзига хос саноат сиёсати амалга оширилди.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини модернизациялашда Хитой тажрибаси эътиборга моликдир. Хитой иқтисодиётини модернизациялаш қуидаги тамойилларга асосланди.

Давлат тасарруфидаги корхоналарни сақлаб қолиш ва юқори технологик тараққиётни белгиловчи янги корхоналарни ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлаш. Масалан, Хитойда 1997 — 2008 йилларда анъанавий тармоқлар ҳисобланган нефть қазиб чиқариш 27%, пўлат эритиш 3,3 марта ўсган ҳолда, илғор, фан сифимкорлиги юқори бўлган тармоқлар бўлмиш авто-мобиллар — 9,1 марта, компьютерлар ва оргтехника — 13,8 марта, мобиль телефонлар ишлаб чиқариш 23 мартага қўпайди.

Хитой иқтисодиётини модернизациялаш тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва юқори технологияни жалб этишга асосланган. 2008 йилга келиб мамлакатда жамланган (Гонконгни қўшиб ҳисоблаганда) ТТХИ ҳажми 964 млрд. долларга етди. Мамлакатда яратилган 132 та йирик саноат компанияларининг ишлаб чиқариш қувватлари жаҳондаги 200 та энг катта трансмил-лий саноат компаниялари таркибига кириб, уларнинг ҳиссасига 2007 йилда саноат ишлаб чиқаришнинг 30,9% и тўғри келди.

Хитойликлар Ғарб технологиясини ўрганиб, мамлакатда инновацион нусха қўчиришнинг стратегиясини амалга оширедилар. Мамлакатда электротехника маҳсулотлари, ускуналари ва автомобиллар ишлаб чиқарувчи Ғарб корхоналари пайдо бўлганидан 3 — 5 йил ўтиб худди шундай товарлар ишлаб чиқарувчи хитой корхоналари вужудга келди. Масалан, 2000 — 2002 йилларда Хитойда Ғарб мамлакатларининг автомобиль йиғувчи заводлари йилига 1,7 млн. дона машина йиғиб чиқарган бўлса,

2008 йилда 13 та огундай заводлар 2,1 млн. дона автомашина ишлаб чиқарган ҳолда Хитой заводлари 7,3 млн. дона автомашина ишлаб чиқардилар.

Мамлакатда ўз товарларини жаҳон бозорига олиб чиқиши қўллаб-куватлаш орқали модернизация самарадорлиги оширилди. Охирги 10 йил мобайнида Хитойда саноат маҳсулотлари экспорти 7,4 марта ўсди. Ушбу мақсадга эришиш учун ҳамма нарса, шу жумладан, ички ва ташқи сиёсат маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспортга йўналтиришни қўллаб-куватлашга қаратилди. Экспортёрларни кредитлаш механизми яратилди.

1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб Хитойдаги модернизациялаш лойиҳаларининг етакчи элементи инфрагузилмани ривожлантиришдан иборат бўлди. 1995 - 2008 йилларда Хитойдаги автомобиль йўллари узунлиги 3,1 марта, темир йўллар узунлити 40% га, электроэнергия ишлаб чиқариш миқдори 2,8 марта кўпайди. Сўнгти 5 йилда 3,1 млрд. кв. метр уй-жой қурилди. Мамлакатга жаҳондаги 50 та энг йирик дengiz портининг 17 таси, 50 та энг йирик аэропортларнинг 6 таси тўғри келади ҳамда дунё савдо флотининг 11% и тегишилдир.

Давлат иқтисодиёт билан бирга институт сифатида ҳам ўзини модернизациялаштириди. Бошқарув аппаратида ишловчилар малакаси, касбий маҳорати тубдан янгиланди, коррупция ва порахўрлиқда айбланган қўплаб давлат хизматчилари жазоланди ва истеъфога чиқарилди.

Хитойдаги иқтисодий мўъжиза сабаби эса иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йилларида инвестиция нормаси ва экспортнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиши, кучли протекционизм сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқдир.

Ривожланаётган мамлакатларининг айримлармда модернизацмялаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш алоҳида қизиқиши ўйготади. 2009 йилда Россияда миллий элита томонидан модернизациялаш идеологияси ишлаб чиқилди.

Россия иқтисодиётини модернизациялаш икки муҳим компонентни ўз ичига олади:

- а) мамлакат ичида инновацион ва технологик кашфиётлар, янгиликларни яратиш;
- б) иқтисодиёт-нинг реал секторида фойдаланиш учун юқори технология ва ускуналарни самарали импорт қилиш. Мамлакатда инновацион фаолият ривожлана борган сари инновацияни импорт қилишдан ички ишлаб чиқаришга ўтиш керак.

Технологиянинг йирик истеъмолчисидан, технология сотиладиган бозордан жаҳон бозорига глобал юқори технология етказиб берувчи мамлакатга айланиш зарур.

Россия хукуматининг фикрича, иқтисодиётни модернизациялаш гояси куйидаги беш устувор йўналишларга эга:

- самарали ёқилғи ва янги турдаги ёқилғини ишлаб чиқа-риш;
- медицина технологиялари ва фармацевтика;
- ядро энергетикаси;
- информацион технология;
- космос ва телекоммуникация.

Модернизациялаш дастурининг пировард самараси устун даражада жамият элитасининг инновацион ўзгаришлар жараёнига реал жалб этилишига боғлиқ. Ушбу сиёsatнинг мувафаққияти давлатнинг бизнес ва жамият билан ҳамкорлиги даражасига боғлиқ.

Россиядаги модернизациялашнинг мақсади аҳолининг ижо-дий ва тадбиркорлик қобилиятини тўлиқ намоён этувчи, ҳамма учун баравар имконият яратувчи иқтисодий муҳитни яратиш, рақобатбардош, диверсификациялашган иқтисодиётни яратишdir.

Россияни модернизациялаш — бу мамлакаши янги индустрлаштиришдан иборат бўлиб, асосий фондларни тубдан янгилаш, харажатларни оптималлаштириш, замонавий технология ва бошқарувни фаол жорий этиш асосида уни дунёдаги энг йирик саноат маҳсулотини экспорт

қилувчи 10 та мамлакат қаторига қўшишни таъминлашдан иборатdir. Модернизациялаш мувафақиятини белгилаб берувчи кўрсаткич сифатида мамла-кятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлиқ даражаси хизмат қилиши лозим. Шундай қилиб, мамлакатнинг истиқболдаги ривожланиш стратегияси инновацион ривожланиш ва модернизациялашнинт устувор йўналишлари бўлиб қолади.

Давлатнинг инновацион сиёсати — бу ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, илмий тадқи-қотлар, ишланмалар, тажриба-конструкторлик ишлари ёки бошқа илмий-техник ютуқлардан фойдаланиб яратилган янги, такомил-лашган маҳсулот, юқори технологик жараёнларнинг иқтисодиётга жорий этилиши билан боғлиқ инновацион фаолиятни ривожлантириш ва рағбатлантиришга қаратилган сиёсатdir.

Инновацион сиёсатни шакллантиришда энг муҳими устувор йўналишларни аниқлаб олиш зарур ва ушбу ҳолат инновацион сиёсатнинг қуидаги моделларини ажратиш имконини беради.

Умуммиллий аҳамиятга эга илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган инновацион сиёсат модели.

Илмий-техник билимларни оммалаштиришга йўналти-рилган инновацион сиёсат модели.

Мамлакатларни амалга ошираётган инновацион сиёсатига қараб қуидаги уч гурухга ажратиш мумкин:

Фанда етакчиликни сақлаб қолишга интилаётган мамлакатлар. Одатда, ушбу мамлакатларда инновацион циклнинг ҳамма босқичларини қамраб олевучи йирик миқёсли мақсадли лойиҳалар амалга оширилади (АҚШ, Буюк Британия, Франция).

Хулоса ва таклифлар

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ҳамда аҳоли сонининг ортиши билан бирга инновацияларни ҳам ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш жамият учун ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифатига, микдорига ижобий таъсир кўрсатади. Инновацион жараёнлар орқали мамлакат иқтисодиёти учун муҳим бўлган ресурслардан оқилона фойдаланиш имкони яратилади.

Бугунги глобаллашув жарёнида ишлаб чиқариш, меҳнат ва савдо бозорлари интеграцияси, хомашё ўрнини босувчи воситалар ва таннархга таъсир этувчи бошқа омилларни топиш борасидаги ошкор-яширин, аёвсиз ва шиддатли рақобат замонида илм-фан, инновация, инвестиция, техника ва технология соҳалари иқтисодиётнинг локомотиви ҳисобланади. Бунинг тасдиғини Япония, Хитой, Жанубий Корея каби қитъамиздаги ривожланган давлатларнинг ихтирочилик ишланмалари, рационализаторлик таклифлари йўналишларига салмоқли сармоялар киритиш орқали юксак натижаларга эришгани мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Республикасизмизда инновацияларни ривожлантириш ва ундан кенг, тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан янги қонун ва қарорлар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, инновацион вазирликнинг ташкил этилганлиги, республикамизда илмий институтларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан ҳамнафас ишлаб туришини таъминлаш йўлга қўйилди.

Юқорида кўриб чиқилган 3.1-диаграммадан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда харажатларнинг технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатларнинг 71,0 фоизи (2956,0 млрд. сўм) ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 19,2 фоизи (799,1 млрд. сўм) хорижий капитал, 2,1 фоизи (88,4 млрд. сўм) тижорат банклари кредитлари, 7,7 фоиз (318,8 млрд. сўм) бошқа маблағлар ҳисобидан

молиялаштирилган. Бу эса инновацион сиёсатнинг тўғри йўлга қўйилганлиги ва ундан фойдалниш кенг миқёсда ташкил этилганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари республикамизда **3.1-жадвал** маълумотларидан кўриниб турибдики 2017 йилда 975 та корхона ва ташкилотлар томонидан 1946 турдаги технологик инноваци жорий этилган. Жорий қилинган технологик инновацияларнинг 61,6 фоизи (1198 таси) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келган.

Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб инновацион жараёнини янада ривожлантириш мақсадида куйидаги таклифларни бериш мумкин:

- Янги техника ва технологияларни иқтисодий ривожланган мамлакатлардан олиб келган тадбиркорларга солиқ, бож тўловларидан чегирмалар эвазига маълум муддатларгача уларнинг фаолиятига молиявий жиҳатдан давлат аралашувини камайтириш;
- Илмий институтлар фаолиятини янада такомиллаштириш, институтларда тайёрланаётган кадрлар билимини такомиллаштириш мақсадида, лаборатория кўринишидаги жиҳозларни таълим муассасаларига киритиши;
- Корхона ва ташкилот ходимларини чет эл юртларидағи ишлаб чиқариш ва хизмат ўрсатиш корхоналарига малака ошириш мақсадида юборишни кенг миқёсда йўлга қўйиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 йил.
3. Nelson R. National Systems of Innovation: A Comparative Analysis. Oxford, 1993.
4. Маренков Н. Л. Инноватика: Учебное пособие. - М.: КомКнига, 2005. С. 194. 10. С
5. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент - СПб: Питер, 2000. - С. 11.
6. Шавқиев Э., Нормуродов У., Артиков З., Хазратов А. “Корхона иқтисодиёти” фанидан маъruzалар курси I-II-қисм. Самарқанд – 2016 йил.
7. Йўлдошев Н. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ. 2005.
8. Солиев А., Бузрукхонов С. Маркетинг. Дарслик. - Т.: “Иқтисодмолия”, 2010.
9. <https://stat.uz/uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
10. <http://www.lex.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
11. <http://ziyonet.uz/> – Таълим портали.
12. <http://samarkand.uz> – Самарқанд вилояти ҳокимлиги расмий веб-сайти.
13. <https://www.norma.uz/>